

## ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-июнида Қашқадарё вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 16 639,0 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан ўсиш суръати 3,5 фоизга ошди.

2019 йил 2-чорак якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 5 156,7 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич 2018 йилнинг январь-июнига нисбатан 1,4 % га ошди.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Қашқадарё вилоятининг қўшган хиссаси 7,5 % ни ташкил этди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш


	Млрд.сўм		2018 йилнинг январь-июнига нисбатан, % да
	2018 йил январь-июнь	2019 йил январь-июнь	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>12288,8</b>	<b>16 639,0</b>	<b>103,5</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	11 620,0	15 271,6	103,5
Маҳсулотларга соф солиқлар	668,8	1 367,4	102,7
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>11 620,0</b>	<b>15 271,6</b>	<b>103,5</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4 307,7	5 187,0	104,7
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	4 166,7	5 948,4	101,2
Саноат	3 352,2	4 820,5	96,2
Қурилиш	814,5	1 127,9	121,8
Хизматлар	3 145,6	4 136,2	105,0
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	684,7	834,5	102,7
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	592,1	682,9	108,5
Бошқа хизмат тармоқлари	1868,8	2618,8	104,7

*ЯҲМ-иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган Миллий Ҳисоблар Тизимининг асосий кўрсаткичларидан биридир.*

Ҳудуд иқтисодиётининг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 104,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 34,0 %), қурилиш – 121,8 % (7,4 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар –102,7 % (5,5 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 108,5% (4,5%), бошқа хизматлар тармоқлари 104,7 % (17,0 %) ни ташкил этди.

Шунингдек ўткан йилнинг мос даври билан таққосланганда Саноат тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиш кўзатилди ва 96,2 % ни ташкил этди (мазкур тармоқни ЯҲМ таркибдиги улуши 31,6 %).


### 2019 йил январь-июнь ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари




Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг ЯХМ таркибидаги улуши 2018 йилнинг январь-июнь ойларига (37,1 %) нисбатан 3,1 % тушиб 2019 йил мос даврида 34,0 % ни ташкил этди. Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улушиўтган йилнинг мос даврига (35,8 %) нисбатан 3,2 %га ошиб 39,0 % ни ташкил этди. Хизматлар соҳасининг улуши 2018 йил январь-июнь (27,1 %) ойларига нисбатан 0,1 % га тушиб жорий даврда 27,0 % ни ташкил этди.

### Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда)

#### 2018 йил январь-июнь



#### 2019 йил январь-июнь




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 5,5 % ни (2018 йил январь-июнда – 5,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 4,5 % ни (5,1 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 17,0 % ни (16,1 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда)**

**2018 йил  
январь-июнь**



**2019 йил  
январь-июнь**



- Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

**Статистика фаолиятини ташкил  
этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий  
ишлар бўлими**

